

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

"Гиннесснинг рекордлар китоби"ни биласиз. "Энг, энг, энг"ларнинг бари шу ерда. Мабодо, бу китобни янги рекордлар билан бойитиш керак бўлса, тортинмасдан биз тарафларга келаверсинлар.

БИЗДА БОРИ ҚАЙДА БОР?

Аслида бунинг ҳеч бир муболағали ери йўқ. Хўш, айтингчи, дунё бўйича энг тотли ва шифобахш асал қаерда? Бўстонлик, Паркент, Охангарон минтақаларида етиштирилган асалнинг довури доvon ошгани, нафақат мамлакатимизнинг чор тарафидан, балки олис-яқин хориз давлатларидан атайлаб Угом, Қоржонтоғ, Писком, Кўксув, Чотқол ва Курама тоғ тизмалари этакларидан тўпланган болни суриштириб келадиганлар сафи тобора кенгайиб бораётганини эшитгандирсиз, балки?

Шу йилнинг ўзида 40 дан ортик янги асаларичилик хўжалиги иш бошлагани, умуман, кейинги уч йилда асаларичилик тармоғида самарадорлик қарийб 5 баробар ўсгани ҳам бежиз эмасда! Негаки, дунёдаги энг

ноёб ва шифобахш ўсимликларнинг 4000 га яқин тури айнан вилоятимизда учрайди. Шунинг ўзи ҳам воҳада асаларичилик тармоғини жадал ривожлантириш нечоғлик истиқболли эканини аниглади. — Она табиятимизнинг тантилигини қаранг-а, асал етиштиришда мисли кўрилмаган натижаларга эришяпмиз, — деган эди бир суҳбатда "Угом-Чотқол" давлат табиат миллий боғи мутахассиси Шарифжон Вакилов. — Негаки, боғларимиздан болу шарбат оқаётди. Бу кетишда Хумсон, Боғистон, Писком қишлоқларида асал етиштирувчилар ҳосилни йиғиштириб олишда бироз шошиб қолсалар керак-ов.

(Давоми 2-бетда).

БИР КЕЛИБ КЕТИНГ ҚИШЛОҒИМИЗГА

Қишлоқда туғилиб, шу гўшада вояга етдим. Қишлоқдошларимиз меҳнаткаш, оққўнли, серфарзан. Тоғанлари тўй-ҳашам, уй-жой қуришдан ортмайди. Янги уйни ҳашар йўли билан хоҳлаган йўсинда солишди. Талаблик давримда шаҳарда яшайдиган курсдошимнинг уйига тўйга бордим.



Эшикдан кириб оқ дугонанинг уй-жойига чин дилдан ҳавас қилгандим. Ушундан ич-ичимдан: "Бизнинг қишлоқларда ҳам шундай уйлар қурилармикан" деган уй ўтганди. Агар ўша кезларда кимдир: "Яқин орада қишлоқларда ҳам худди шаҳардагидек замонавий уй-жойлар қад

кўтарди" деса балки ишонмасдим... Бугун эса бу сўзларга нафақат ишонманам, балки, жадал қурилатган замонавий уйларни ўз кўзим билан кўриб, ўша пайтлардаги орзуларим рўёбга чиқаётганидан бехад қувонмоқдаман.

(Давоми 2-бетда).

ЛАФЗИ ҲАЛОЛ БУНЁДКОР



Ойбекнинг отаси ўғлининг лойдан қурган ажаб-товур "иморатлари"ни кўриб, хурсанд бўларди. Улғайгани сари соҳага бўлган қизиқиши ҳам катталашиб бораверди. Гўё унинг учун бошқа қизиқроқ соҳа йўқдек. Секин-аста ҳовлидаги қурилишларда отасининг ёнига кирди. Фишт қуйиш, сувоқ қилиш, том ёпиш Ойбекдан ортмай қолди.

Курувчилар ёллашга кетадиган пул ёнларига қола бошлади. Тўғри, гоҳ у, гоҳ бу ерда камчилик чиқарди. Лекин, терга ботиб ишлаётганини қурган отаси уни ёнидан ҳайдамади. Ургангани ўзига фойда деди. Зуवालаси пишиқ бўлсин, деб тушунмаганини ўргатиб, билмаганини кўрсатди. Шундай қилиб, ота-бола курувчилар ҳовлидаги иморатни қандай қилиб кўтариб қўйишганини билмай қолди.

Бир кун ота тушликда муздеккина тарвузи иштаға билан еяётган ўғлини саволга тутди:

— Болам, мана яқинда мактабни тугатасан. Қайси касбнинг этагидан тутмоқчисан?

Саволни эшитиб, Ойбекнинг кўзлари чакнаб кетди. Шу суҳбатни у анчадан бери кутуб юрган эди. Унинг бирдан-бир орзуси курувчи бўлиш.

— Отажон, агар рўхсат берсангиз, қурилиш соҳасини танламоқчийдим.

(Давоми 2-бетда).

СУРАТДА: тажрибали ва малакали мутахассис Ойбек Исомов (ўнгда) ёшарга доимо йўл-йўриқ кўрсатади. Даврон АХМАД олган сурат.

Хушхабар

Авал хабар берганимиздек, Корея Республикасининг Кёнсангбук-До провинцияси ва Тошкент вилояти ўртасида ўзаро ҳамкорлик меморандуми бўйича музокаралар ниҳоясига етиб, вилоят ҳокимлигида мазкур меморандумни имзолаш маро-

сими бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокими Аҳмаджон Усмонов ҳамда Кёнсангбук-До провинцияси губернатори Ким Кван Ёнг, Корея Республикасининг мамлакатимиздаги элчиси Ли УК Хён ҳамда бир гуруҳ делегация аъзолари иштирок эттишди.

КОРЕЯ БИЛАН БОРДИ-КЕЛДИ ҚИЛАМИЗ

Вилоятимиз ҳокими ўз сўзида имзоланган меморандум икки томонлама манфаатли алоқаларнинг яна бир ёрқин белгиси эканини таъкидлади.

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётига сармоа киритиш бўйича етакчи давлатлардан бири бўлган Корея Республикаси Осиё — Тинч океани минтақасида Ўзбекистоннинг энг йирик савдо шеригидир. Ўтган йилнинг ўзида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 31 фоиз ортиб, 2,1 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Жанубий Кореянинг мамлакатимиз иқтисодиётига киритган сармоа эса 6 миллиард доллардан ошди. Юртимизда корейлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилган 401 корхона, Корея Республикасидаги 88 йирик компаниянинг ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Кёнсангбук-До провинцияси губернатори Ким Кван Ёнг сўзини "Ассалому алайкум!" каломи билан бошлади.

— Мен юртингизга 8 соат-

лик йўл босиб етиб келдим, — деди у. — Биз Тошкент вилояти билан ҳамкорлик қилаётганимиздан бағоят хурсандимиз. Вилоят худуди ҳар томонлама қулай жой экан. Ўтмишда ҳам ота-боболаримизнинг ўзаро алоқалари бўлган. Бугун эса, уларнинг ишларини биз давом эттиряпмиз. Улар босиб ўтган йўллардан қириш на-сиб этганидан хурсандим. Бу ерга келмасидан аввал, ўзбекларнинг меҳмондўст ва ватанпарварликлари ҳақида кўп эшитгандим. Бунинг исботини кўряпман.

Ва ниҳоят, ҳамкорлик шартномаси имзоланди. Энди провинция билан вилоятимиз ўзаро биродар худудларга айланди. Кўплаб соҳаларда, чунончи иқтисодиёт, маданият, спорт, туризм каби йўналишларда икки томон учун эшиклар очилди.

Хуришда НАЗАРОВА.

СУРАТДА: ҳамкорлик меморандумини имзолаш пайти.

Даврон АХМАД олган сурат.



ОМАД СИЗГА, АБИТУРИЕНТЛАР!

Мамлакатимиз олий таълим муассасалари қатори вилоятимизнинг Қибрай туманидаги Тошкент Давлат аграр университетида ҳам тест синовлари бўлиб ўтди.

1 август. Соат саккиз. Университет худуди минглаб ёшлар ва ота-оналар билан гавжум. Кўзларида талаба бўлишга ишонч ўти чақнаётган, лекин кутилмаганда пайдо бўлган аллақандай ҳаяжонларини енгишга уринаётгани юриш-туриши, гап сўзларидан яққол сезилиб турган абитуриентлар керакли ҳужжатларини муассаса масъулла-рига ва уларга тест синовларини юксак савияда ўтказиш, интизомни сақлаш ва оқилона таъминлашда мададга келган вилоят ҳамда туман ички ишлар бошқармаси вакилларига кўрсатиб, танлаган соҳалари бўйича имтихон топшириш учун ичкарига бирма-бир кира бошладилар.

2013-2014 ўқув йилида мазкур даргоҳнинг "Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш", "Ўсимликлар парвариши ва химояси", "Ипақчилик", "Иқтисодиёт", "Фермер хўжалигини бошқариш ва юритиш" каби 18 бакалаврият таълим йўналишлари-га 10542 абитуриентдан аризалар тушди. Шулардан юқори балл тўплаган 420 та грант ва 1120 та тўлов-шартнома асосида, жами 1540 абитуриент талабалikka олиниши режа-лаштирилган.

Соат ўн. Муассасанинг 8 та қўп қаватли ўқув биносидида 291 та аудитория абитуриентлар билан тўлди. Масъу-лар тест ечиш қондалари жавоб вара-қаларидаги катакчаларни бўяш тарти-би ҳақида йигит-қизларга тушунча бе-ришти.

Асосий бинонинг 6-қаватида "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит" йўналиши-га имтихон топшираётган Юқори чир-чиқлик Жазира Илёсова Давлат тест маркази тақдир этган саволлар кон-вертини барчаннинг кўз ўнгида очди.

Аудитория раҳбари Раёно Жуманазарова билет рақамини ўқиди. Вариантларни тарқатди. Давлат тест имтихони бошланди...

Имтихон учун ажратилган вақт ҳам ниҳоясига ета бошлади. Ташқарида университет ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда абитуриентларнинг ота-оналари ва яқинла-рига қутуб ун қулай шартот яратилди. Ота-оналар ичкарида имтихон топшираётган фарзандларининг ёруғ юз билан чиқишларини қутуяпти. Улардан бирини гапга тутдик:

— Ўғлим саноат-иқтисодиёт колле-жини бу йил битирди. Ҳужжатларини олиши билан ўқиган соҳаси бўйича шу университетга топширди, — деди чир-чиқлик Бахтижон Раваҳоновнинг онаси Турсуной Махдумова. — Руҳан далда бўлиш учун турибми. Вой, ана ўзи! — Турсуной она олий даргоҳ эшигиндан чиқиб келётган бир гуруҳ талабалик-ка талабгорлар орасида юз-кўзлари-дан мамнунлик ўфуриб турган йигитга ишора қилди.

Бахтижоннинг таассуротларига қизиқдик.

— Математика, физика, она-тили ва адабиёт бўйича берилган тестда 36 тадан савол бор экан. Кўпини ишладим. Ўқишга киришимга ишонаяпман. Бои-си, саволларнинг барчаси мактаб ва коллежда олган билимларим бўйича тузилган экан, — деди у.

Маълумот ўрнида шунга айтиш жо-изки, Давлат тест маркази тақдир эт-ган хабарларга кўра имтихонлар нати-жалари август ойининг иккинчи ўн кунлигида эълон қилинади.

Бехзод ХИДОЯТОВ, Даврон АХМЕДОВ (суратлар), "Тошкент ҳақиқати" муҳбирлари.



МУСТАҚИЛЛИККА БАҒИШЛАНГАН БАЙРАМ ТАДБИРЛАРИ

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2013 йил 12 июнда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 22 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ жойларда энг улуг, энг азиз байрамга бағишланган турли маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари ўтказилмоқда.

Бу каби тадбирларда мустақил юртимизнинг иқтисодори фарзандлари ўз истеъодларини намойиш қилишлари қай даражада эътибор қаратилганлиги, имконият ҳамда шарт-шароитлар яратилганлиги, ёшларнинг эса, бу мурув-ватни қай даражада оқлай олаётганликлари ҳақида сўз

юритилмоқда, мулоҳазалар билдирилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Паркент туманидаги Чанги қишлоқ фуқа-ролар йиғинида бўлиб ўтди. "Қадр-қимматим, та-янчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!" ши-ори остида бўлиб ўтган ушбу тадбирда истиқлол

йилларида аҳоли учун яра-тилган шарт-шароитлар, қулайлик ҳамда имконият-лар, қўлга киритилган ул-кан ютуқлар, вилоятлари-миздаги бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари, пировардида, Ўзбекисто-нимиз таниб бўлмас дара-жада ўзгариб бораётгани, бундай гўзал манзаралар-га истиқлолнинг шароф-ати билан эришганлигимиз ҳақида сўз юритилди. "Қамолот" ёшлар ижти-моий ҳаракати Тошкент вилояти кенгаши, "Маҳал-ла" хайрия жамоат фонди-нинг вилоят бўлими, вилоят маданият ва спорт

масъул ходими Жамолид-дин Жабборов. — Яқин кун-ларда Чиноз, Бўстонлик ва Бекобод туманларида ҳам ўсимирлар ўртасида спорт-нинг бир қатор турлари бўйича мусобақалар ўтқа-зилади. Бу сазй-ҳаракат-лар билан болаларнинг са-ломатлигини таъминлаш кўзда тутилган. "Соғ танда — соғлом ақл" деганлари-дек, бу ҳам болаларнинг ғайрат, иштиёқ ва илмга ташналик билан ўқув йи-лига қадам қўйишларини таъминлайди.

Хуснора РЎЗМАТОВА, "Туркистон-пресс"

"Табиатда ўрганамиз – табиат учун ўрганамиз" ўқув дастури доирасида амалга оширилётган тадбирлар ёш экологлар билимини оширишга хизмат қилмоқда. Болаларнинг ёзи таътил кунларида ёшлар соғломлашти-

риш оромгоҳларида "Табиатдан ўрганамиз" шiori остида "Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш" мавзусида ўтказилаётган машғулотлар ўзининг ижобий натижаларини беришига айтойдил ишонамиз.

ТАБИАТДА ЎРГАНАМИЗ – ТАБИАТ УЧУН ЎРГАНАМИЗ

Яқинда Ўзбекистон Экологик ҳаракати ёшлар қаноти, "Ekomaktab" ННТ кўнгиллиларидан иборат гуруҳ вакиллари Чотқол ва Кўксув дарёлари оралиғидаги хушманзара табиат кўйида жойлашган "Бурчимулла" ёшлар соғломлаштириш оромгоҳида "Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш" мавзусига бағишланган қизиқарли ўқув-машғулотини ўтказишди. Ушбу тадбир Ўзбекистон Экологик ҳаракати томонидан ёшларнинг экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги билимларини ошириш дастури доирасида амалга оширилди. Интерфаол усуллардан фойдаланиб ўтказилган ўқув жараёнига оромгоҳда дам олаётган 500 га яқин болалар жалб этилди.

"Бурчимулла" болалар соғломлаштириш оромгоҳи жойлашган ҳудудда кўплаб "Кизил китоб"га киритилган ноёб ҳайвон-

лар ва ўсимликлар учрайди. Бу ерда олиб борилган дарс жараёнларида иштирок этган болалар ўзига таниш бўлмаган ўсимлик ва жониворлар, жумладан, оқ қоплон, сайгоқ, Туркистон оқ лайлаги, Грейг лоласи, хандон писта ва бошқаларни кўриш имкониятига эга бўлишди. Тадбир давомида болалар инсонларни табиатдаги унсурларни табиатдаги унсурлар ва мавжудотларни асрашга даъват этишнинг таъсирчан усулларини ўйлаб топшига харакат қилишди, плакатлар ишлаб чиқилди, театрлашган томошалар намойиш этилди. Ушбу табиат кўйида ўтган ўқув-машғулотини болаларга жуда манзур бўлди ва тадбир ташкилотчилари бундай машғулотларни вилоятнинг бошқа ҳудудларида ҳам ташкил этишга қарор қилишди.

Халқаро экспертлар тахминларига кўра, сайёрамизда ўсимлик, ҳайвонот ва микроорганизм-

ларнинг 30 миллионгача тури маълум бўлса, Ўзбекистонда шулардан 26 мингдан ортиқ тури мавжуд. Уларнинг 15 минг турини ҳайвонот олами, 11 минг турини эса ўсимликлар дунёси вақиллари ташкил этади. Айни пайтда республикамизнинг 8 та давлат кўриқхонаси, 1 та биорезерват, 2 та миллий боғ, 10 та давлат буюртмахонаси ва 6 та табиат ёдгорликларида Ватанимизнинг ноёб флора ва фаунаси кўриқланиб, кўпайтирилди. Болаларни ушбу кўриқхоналар фаолияти, улардаги ноёб жониворлар ва ўсимликлар билан таништириш, уларни турли ниҳол экиш, гуллар парваришига ўргатиш ва қизиқтириш тенгдошларига етакчилик қила оладиган ёш тарғибчиларни кўпайтиришга, бинобарин табиатга дахлдорлик ҳисси билан уни асрашга яқиндан ёрдам беради.

Манзур БЕКЧОНОВА,
"Туркистон-пресс".

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ ҲАМКОРЛИГИ САМАРАСИ

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат сифати ва самардорлигини янада ошириш, айниқса, оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш борасида кенг қўлланма ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз Ислон Каримовнинг 2009 йил 13 апрелда қабул қилинган "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлоднинг шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда 2009 йил 1 июлда қабул қилинган "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлоднинг вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самардорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги қарорлари бу борада муҳим дастуриямал бўлмоқда. "Обод турмуш йили" Давлат дастурида ҳам мазкур йўналишда бир қатор вазифалар белгилаб берилган.

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга жамоат ташкилотлари, жумладан, "Соғлом авлод учун" жамғармаси ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда қатор лойиҳалар амалга оширилаётган. Хусусан, Корея Республикаси Соғлиқни сақлаш халқаро жамғармаси (КОФИН) кўмағида Ўрта Чирчиқ тумани болалар шифохонаси биноси тўлиқ таъ-

мирланиб, моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Жамғарманинг ҳудудларро кўчма тиббий-ижтимоий патронаж бригадаси замонавий мобиль клиника билан таъминланди. Бир гуруҳ шифокорлар Жанубий Кореяда малака ошириб қайтди.

Ҳамкорлик доирасида ўтган йили Германиянинг Friedensdorf International халқаро ташкилоти, Жанубий Кореянинг

биргаликда замонавий тиббиёт ускуналари ёрдамида Тошкент шаҳри ва вилоятда истиқомат қилувчи давлатишига муҳтож аҳоли, кўп болали оилалар фарзандлари, имконияти чекланган беморларни бепул тиббий кўриқдан ўтказди.

– Мамлакатингиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, давлатингиз томонидан аҳоли, айниқса, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилаётган юксак эътибор таҳсинга лойиқ, – дейди Жанубий корейлик шифокор Хонг Юнг Жин. – Ўзбекистон раҳбариятининг келажакни ўйлаб амалга ошираётган бундай сиёсати ўз самараларини бераётган.

Тиббий кўриқдан ўтганлар орасида Юқори чирчиқлик Санжар Алибоев ҳам бор.

– Туғма кўз касаллиги безовта қилиб келади, – дейди С. Алибоев. – Туманимизга ташриф буюрган малакали мутахассислар қабулида бўлганимда улар кўзимни даволаш бўйича зарур маслаҳат ва tavsiyalar беришди. Шифокорлар менга ёзиб берган дори-дармонларни шу ернинг ўзида бепул олдим. Биз, қишлоқ аҳоли давлатимиз томонидан кўрсатилаётган бундай эътибор ва гаамхўрликдан миннатдоримиз.

Х. САЛИМОВ,
ЎЗА муҳбири.



РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР


Давлат тижорат Халқ банки Ўрта Чирчиқ филиалига тегишли қўйидаги қишлоқ хўжалиги техникаларини тез ва арзон нархларда сотади:



Баллонли ЮТО-1254 трактори, 2008 йилда ишлаб чиқарилган (Хитой)



ПЛНЗ – 35 п русумли янги плуглар (Россияда ишлаб чиқарилган)



БЗТС-1 русумли янги бараналар (Россияда ишлаб чиқарилган)

Тўловлар мижоз хоҳишига кўра исталган усулда амалга оширилади.

Мурожаат учун манзил:

Тўйтепа шаҳри, Гузар кўчаси, 12-уй.

Телефонлар: (8-370) 76-20-818, 76-22-743, (+99898) 366-42-52, (+99893) 592-50-80.

«Халқ банки» Ўрта Чирчиқ филиали.

ТУЗАТИШ

"Кўп тармоқли кўчмас мулк савдо" МЧЖ шунинг маълум қиладики "Ташкент ҳақиқати" газетасининг 31.07.2013 йилдаги 61-сонидан берилган "Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан" сўзлари "Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан" деб ўқилсин.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефон: 249-54-59.

2013 йилда қишлоқларда ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ АСОСИДА ҚУРИЛАДИГАН ЗАМОНАВИЙ УЙ-ЖОЙЛАР УЧУН БЮЎРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ БОШЛАНДИ!

2013 йилда ЯНГИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи ҳар бир фуқаро учун янги уй сотиб олиш имконияти;
- Қўлай жойлашув: дўхон, мактабларга яқин жойда;
- Замонавий дизайнли уйлар;
- Ҳар бир уй-жой 6 соғим ер майдонига эга;
- Ичимлик суви, электр энергияси, табиий газ билан таъминланган ҳамда текис ва равои йўлларга эга;



Янги уйда оилангиз билан бирга фаровон ҳаёт кечиринг.

Оилангиз учун ёрқин КЕЛАЖАК ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Имитиёзли ипотека кредити орқали тежаб қилинган маблағингизни оилавий режасиз ва орзуларини амалга ошириш учун сарфланган;
- Янги уйлар янада яхшироқ турмуш тарзи ҳамда оилавий тадбиркорлик учун кенг имкониятлар яратган;

• Янги уйлар Сиз учун узок мuddатли сармоя ва фарзандлар учун мерос.



Келажак учун ЖАМҒАРМА ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Омонатингизни кўпайтириш имконияти;
- Имитиёзли фойз ставкасида 15 йил мuddатга ипотека кредити;
- Солиқлардан озод қилинган ипотека тўловлари;
- Маош миқдори йиллар давомида кўпайса ҳам, ипотека тўловлари 15 йил давомида ўзгармайди;
- Солиқдан озод қилинган қурилиш жараёни – тежамкорлик ва арзон нархлар сарови.



Замонавий қурилиш моллари ва ЮКОРИ СИФАТЛИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Танловдан ўтган тудратчи қурувчилар ва қурилиш сифатининг юқорилиги;
- Бир йиллик сифат кафолати;
- Узгўрчи нархларда юқори сифатли замонавий қурилиш моллари.



Марҳамат, мурожаат қилинг:

- Туман ёки вилоят ҳокимликларига;
- Қишлоқ ёки маҳалла фуқаролар йиғинларига;
- "Қамолот" ЕИХ бўлимларига;
- Хотин-қизлар қўмиталарига;
- "Қишлоқ қурилиш банк" филиалларига, мини банкларига;
- "Қишлоқ қурилиш инвести" филиалларига.

100060, Тошкент шаҳар, Шаҳрисабз, 56
Тел.: (+998 71) 150-93-39
Факс: (+998 71) 150-39-93
www.gqb.uz
e-mail: headoffice@gqb.uz

"SPARETRA" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошлангич баҳоси босқичма-босқич охиб бориб тартибда ўтказилаётган очиқ аукцион савдосига тақлиф этади!

Савдога қўйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. Ўрта Чирчиқ тумани СИБ томонидан 12.11.2010 й. № 20963/4-сонли ижро ҳужжатига асосан 1997 й. и.ч. "Нексия" д.р. 11 W 0573. Бошлангич баҳоси – 14 267 100 сўм. 2. Ўрта Чирчиқ тумани СИБ томонидан 12.11.2010 й. № 20963/4-сонли ижро ҳужжатига асосан 1976 й. и.ч. "Ваз-2103" д.р. 10 V 382 СА. Бошлангич баҳоси – 1 198 000 сўм. Ўрта Чирчиқ тумани ИИБга қарашли жарима майдонида сақланмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 19 август кунин соат 11:00 да бўлиб ўтади. 3. Ангрэн шаҳар СИБ томонидан 13.02.2013 й. № 769/13-1047/13-сонли ижро ҳужжатига асосан "Смешивающий бак". Бошлангич баҳоси – 10 943 365 сўм. 4. Ангрэн шаҳар СИБ томонидан 13.02.2013 й. № 769/13-1047/13-сонли ижро ҳужжатига асосан "Нижняя подшоша оборудования". Бошлангич баҳоси – 863 617 550 сўм. 5. Ангрэн шаҳар СИБ томонидан 13.02.2013 й. № 769/13-1047/13-сонли ижро ҳужжатига асосан "Машина для подачи сырья". Бошлангич баҳоси – 280 296 924 сўм. 6. Ангрэн шаҳар СИБ томонидан 13.02.2013 й. № 769/13-1047/13-сонли ижро ҳужжатига асосан "Насос". Бошлангич баҳоси – 7 101 545 сўм. 7. Ангрэн шаҳар СИБ томонидан 13.02.2013 й. № 769/13-1047/13-сонли ижро ҳужжатига асосан "Машина для автоклавной работы". Бошлангич баҳоси – 104 776 896 сўм. 8. Ангрэн шаҳар СИБ томонидан 13.02.2013 й. № 769/13-1047/13-сонли ижро ҳужжатига асосан "Автомат насос станция". Бошлангич баҳоси – 41 212 246 сўм. 9. Ангрэн шаҳар СИБ томонидан 13.02.2013 й. № 769/13-1047/13-сонли ижро ҳужжатига асосан "Ковшовый элеватор". Бошлангич баҳоси – 189 389 814 сўм. 10. Ангрэн шаҳар СИБ томонидан 13.02.2013 й. № 769/13-1047/13-сонли ижро ҳужжатига асосан "Ремсели транспортер". Бошлангич баҳоси – 71 942 877 сўм. 11. Ангрэн шаҳар СИБ томонидан 13.02.2013 й. № 769/13-1047/13-сонли ижро ҳужжатига асосан "Воздушный компрессор". Бошлангич баҳоси – 7 345 248 сўм. 12. Ангрэн шаҳар СИБ томонидан 13.02.2013 й. № 769/13-1047/13-сонли ижро ҳужжатига асосан "Часть распределительного пелиндра". Бошлангич баҳоси – 7 325 069 сўм. 13. Ангрэн шаҳар СИБ томонидан 13.02.2013 й. № 769/13-1047/13-сонли ижро ҳужжатига асосан "Система резки". Бошлангич баҳоси – 26 776 318 сўм. 14. Ангрэн шаҳар СИБ томонидан 13.02.2013 й. № 769/13-1047/13-сонли ижро ҳужжатига асосан "Технологическая линия". Бошлангич баҳоси – 878 137 436 сўм. 15. Ангрэн шаҳар СИБ томонидан 13.02.2013 й. № 769/13-1047/13-сонли ижро ҳужжатига асосан "Однорыный подъемник". Бошлангич баҳоси – 57 883 414 сўм. Ангрэн шаҳар Нуробод кўрғонда жойланган "Stroyshax Invest" МЧЖ корхонасида сақланмоқда. 16. Ўрта Чирчиқ тумани СИБ томонидан 08.11.2012 й. № 6772/2-сонли ижро ҳужжатига асосан 2011 й. и.ч. "Нексия Донс 2" д.р. 01 О 383 НА. Бошлангич баҳоси – 31 000 000 сўм. 17. Ўрта Чирчиқ тумани СИБ томонидан 28.02.2012 й. № 1125-сонли ижро ҳужжатига асосан 1988 й. и.ч. "Ваз 2106" д.р. 01 Т 125 JA. Бошлангич баҳоси – 2 313 191 сўм. Ўрта Чирчиқ тумани ИИБга қарашли жарима майдонида сақланмоқда. 18. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 17.07.2013 й. № 7004-сонли ижро ҳужжатига асосан 2007 й. и.ч. "Ваз-21070-120-20" д.р. 10 Q 937 FA. Бошлангич баҳоси – 13 567 000 сўм. "Бекобод Савдо" МЧЖда омонборида сақланмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 3 сентябрь кунин соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридagi автотранспорт воситалари ва мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишини мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар кунин (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошлангичда бир иш кунин қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашини истаганда бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси ва мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закатат пулини тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси ва мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "SPARETRA" МЧЖнинг "Ипотeka банк" АТИБ Шайхонтоҳур филиалига қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800004887305001, МФО 00425, СТИР 301829604. Аукцион голдиби сотиб олган автотранспорт воситаси ва мулк қийматининг 5 банк кунин мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8371) 212-89-55. Ғувоҳнома № 004593.

"КОР ТАРМОҚЛИ КО'СНМАС МУЛК САВДО" МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич охиб бориб тартибда ўтказилаётган очиқ аукцион савдосига тақлиф этади!

Такрорий аукцион савдосига Чилонзор тумани СИБ томонидан 27.03.2012 йилдаги №2-26/12-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Гулистон кўчаси 55-уйда жойлашган, умумий майдони 66,23 кв.м., янаша майдони – 42,16 кв.м.дан иборат бўлган, 3-хонали 106-хонадон қўйилмоқда. Бошлангич нархи – 71 560 360 сўм.

Аукцион савдолари 2013 йилнинг 23 август кунин соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтинини маълум қиламиз.

Ушбу савдоларда қатнашини учун талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини "КОР ТАРМОҚЛИ КО'СНМАС МУЛК САВДО" МЧЖнинг АТИБ "Ипотeka банк"нинг Шайхонтоҳур филиалига 20208000104931635001, МФО 00425, ИИН 207128747, ОКОНХ 83400 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишини мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бонка тегишли ҳужжатлар расмий иш кунларин соат 9.30 дан 18.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бонка тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимониди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда соат 18.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия: № 0039.

Утерянный аттестат О'Р-Е № 034599, выданный в 17.06.1997 году школой № 89 Яккасарайского района г. Ташкента на имя Федорова Дениса Александровича, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Тошкент Давлат миллий университети томонидан 1993 йилда Асанбаева Ўғилрой Абдувахобовна номига берилган ФВ № 987718 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

"AGMA FURNITURE" МЧЖ "OMAD YULDUZI" МЧЖ таркибига қўшилиши ҳамда "OMAD YULDUZI" МЧЖ "AGMA FURNITURE" МЧЖнинг ҳуқуқий ворисига айланишини маълум қилади.

ООО "ABU BAKIR-FAYZ" (ИНН 206555597), зарегистрированное ИПСР хокимията Чиланзарского района г. Ташкента расположенное по адресу: массив Шарк 10-53, ЛИКВИДИРУЕТСЯ (протокол собрания: № 1 от 02.08.2013г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления по тел.: 557-77-77.

"AMIR AVTO BAHOLASH" (ИНН 302667624) МЧЖнинг устав жамғармаси 198 975 000 сўмдан 143 706 021 сўмга камайишини маълум қилади.

Маънавият

Меъёр азал-азалдан борлиқнинг олтин қонуни сифатида қадрланб, ижтимоий ҳаётда ҳам, шахсий-оилавий турмушда ҳам, руҳий оламда ҳам унга амал қилишга интилиб келинади. Меъёр – олтин орилик, чегара, маром, зарурий микдор, мўътадиллик, мукаммаллик, мувозанат каби тушунчаларни ўзида жамлайди. Бир сўз билан айтганда табиатнинг ҳам, жамиятнинг ҳам

тараққиёти ё таназзули меъёрга бўлган муносабатга, унга қай даражада амал қилинишига боғлиқдир. Маълумотларга кўра, дунёда ҳар дақиқада 50 гектар майдондаги ўрмон дараклари кесилди. Агар шу кесилган майдон микдорича дарахт кўчатлари ўтказиб берилмаса, яъни меъёр бузилса, йиллар ўтиб, инсоният ўзининг жуда катта табиий бойлигидан маҳрум бўлади.

Нафсига берилган кишидан ҳунар келмас емакдан ўзга, Шахспараст кишидан фойда етмас демакдан ўзга...

"Мол қадрини билгувчи кишилар ўринсиз ерга бир тийин сарф қилмас, ўрни келганда эса мол-дунёсини

суймас. Тажмакорликка риоя қилган кишилар эса ҳамма вақт тинч ва роҳатда яшайдилар". Абдулла Авлоний сўзларида давом этиб, сафоҳат, яъни исрофгарлик энг ёмон ҳулқлардан ҳисобланади дейди. "Инсон умриндан бир дақиқасини, молдан бир чақасини ўринсиз ва

маслиги эса кўндан-кўн ноҳушлиқларга сабаб бўлиши ҳақида Ҳадиси шарифларда қайта-қайта таъкидланади. Масалан, ўзаро муносабатларда ҳазил-хузуннинг ҳаддан ошиши охири-оқибатда адоват келтириб чиқаради ёки бўлмаса, кўп кулиш юзидан нурни кетказиши ҳақида огоҳлантирадилар Расули акрам (с.а.в). Яна бир Ҳадиси шарифда эса: "Эй одам боласи, кифоя қилгудек ризқинг туриб, ҳаддингдан оширадиган молни истайсан. Эй одам боласи, озга қаноат қилмайсан, кўпга ҳам тўймайсан. Эй одам боласи, тонг отиб кўз очар экансан, тинч, бир кунлик таоминг бўлса бор, ортиқча бойликни исташни кўй!" дея марҳамат қилинади. Биз ўз ҳаётимизда Ҳазрат пайғамбаримиз (с.а.в) суннатлари, Қуръони Карим амири, донишманд аждодларимиз панд-насиҳатлари ҳамда анъаналарини асосда ашшақ, оламнинг олтин қондасига амал қилган бўламыз ва икки дунё иззатига – саодатига эришамиз, иншооллох.

Азимжон АЛИМЖОНОВ, Олмалик шаҳар бош имом-хатиби.



СУИҚАСДЧИЛАР ҚЎЛГА ТУШДИ

Венесуэла ички ишлар вазири Родригес Торрес 31 июль кuni Telesur канали орқали эрифта чикиб, мамлакат президенти Николас Мадурога қарши суиқасд режиси мавжудлигини маълум қилди.



Режага мувофиқ, мерган президентни отиб ўлдиргач, муҳим стратегик объектларга ҳужумлар бошлангачи керак эди. Вазирининг гапига қараганда, бошида суиқасд 24 июль кунига белгиланганди.

Торреснинг таъкидлашича, суиқасд уюштириш ҳаракати шу йил апрелда, яъни президент сайловлари олдида бошланган. Вазири ушбу ҳаракат иштирокчиларини санар экан, Колумбиянинг соёққ президентни Алваро Урибегондурасининг соёққ президентни Роберто Мингелетти, Кубалик террорчи Кариллеснинг вакили, шунингдек, Марказий раэливедка бошқармасининг исми яширилган ходими

номларини ҳам тилга олди. Бундан ташқари, "радиқал ўнг қучлар" ҳамда президентликка муҳолифатдан номзод Энрике Каприлес ҳам суиқасднинг қўллаб-қувватлаган.

Қандай қилиб суиқасднинг олди қилинган ҳақида вазири маълумот бермади. Унга қарши суиқасд уюштириш ҳаракати рoст эканлигини Мадуро ҳам бир неча бор таъкидлаган эди.

ОВҚАТДАН КАЛТАКЕСАК ЧИҚДИ

Бхилвар шаҳридаги мактаблардан бирида ўқувчилар овқатдан захарланди. 76 бемор бола корин огриги билан маҳаллий шифохоналарга ётқизилди.



Врачларнинг таҳмин қилишларича, болаларга берилган овқатни пишириш жараёнида қозонга калтакесак тушиб кетган. Елгонешнинг ёзишига қараганда, Хиндистонда болаларнинг овқатдан захарланиш ҳоллари тез-тез учраб туради. Масалан, Ражастон штатида болаларнинг навабатида захарланиши қайт этилди. Шифохонага ётқизилган 76 боланинг соғлигига ҳеч қандай таҳдид йўқ.

улар врачларнинг доимий назорати остидалар. Айбдорлар эса жазоланди. "Мақтабда тайёрланган овқатнинг сифатида жавобгар шахс ваэифасидан четлатилди. Мақтаб директори ҳам ишдан бўшатилди", деди маҳаллий ҳукумат вакили Онкар Сингх.

Икки ҳафта бурун Биҳар штатидаги мақтабда ўқувчиларга захарли овқат берилгани сабабли куйи синф ўқувчиларидан 22 бола вафот этди. 30 дан зиёд бемор бола шифохонага тушди. Бу воқеа маҳаллий аҳолининг гаэбини кўзга тиб, жумладан, Чхпра шаҳрида одамлар галаён кўтариб, машиналарни ёки юборишчи, шахсий мулкларни ваэрон қилишди.

НАША ЧЕКИШНИ ҚОНУНЛАШТИРИШМОҚЧИ

Уругвайда наша етиштириш ва сотишни қонунлаштиришга бир қадам қолди, холос. Шундан кейин нашани исталган дорихоналардан сотиб олиш мумкин бўлади.

Ҳуқмдор Кенг фронт-Прогрессив учрашув сўл коалиция шу ҳақда тавсия этган қонун лойиҳасини мамлакат парламенти куйи палатаси 46 та қарши ва 50 та маъқулловчи овоз билан қўллаб-қувватлади. Энди сўнгги сўз – парламентнинг юқори палатаси – сенатга.



Агар ушбу қонун қабул қилинса, нашаандлар бу моддани уч йўналишда харид қилиш имконига эга бўладилар. Биринчиси – уни ўзлари етиштиришлари мумкин. Фақат экилган наша киши бошига 6 туздан ошмаслиги керак. Иккинчиси – фақат ўз аэозлари учун наша етиштирувчи клубга аэзо бўлиш. Учинчи йўли эса, нашани дорихонадан сотиб олиш. Фақат шарти шуки, харид қилинган наша бир ойда 40 граммдан ошмаслиги керак. Куйи палатада янги қонун лойиҳаси мухокамаси 13 соат давом этиб, кўп қарама-қарши фикр-мулоҳазалар билдирилди. Жамоатчиликнинг фикрини

ЖАБРАНЛАНЛАРНИНГ АКСАРИЯТИ БОЛАЛАР

Венесуэланинг Гуарико штатидаги йўлда фожиали йўл-транспорт ҳодисаси юз берди. Йўналишда қатновчи автобус гишт ортган юк машинаси билан озма-юз тўқнашиб кетди.



Турли манбалар берган маълумотларда келтирилишича, 16-22 киши ҳалокат қурбонига айланди. 30 дан кўпроқ киши шифохонага тушди. Жабранланган орасида болалар ҳам бор. Қаттиқ тўқнашув оқибати-

да автобус ҳам, юк машинаси ҳам ёниб кетди. Қурбонларнинг аксарияти ёнгида куйиб, ҳалок бўлди. Ҳалокат жойида кутқарув хизмати ходимлари ҳаракат қилмоқда. Маҳаллий ҳукумат қурбонлар кўпайиши мумкинлигини таъкидламоқда. Автохалқатдан тирик қолган юк машинаси ҳайдовчисидан спиртли ичимлик ичган-ичмаганлигини аниқлаш мақсадида қон намунаси олинди, аммо натижаси аэълон қилинмади. Ҳозир фожиа сабаблари ўрганилмоқда.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ҲАР НАРСАДА МЕЪЁР ЯХШИ



ҳам зарар кўради. Ақл-идрок хира тортади. Зеҳн ўтмаслашади. Уй-фирқлар бадбинлашади. Бу холатга Алишер Навоий ҳазратлари шундай таъриф берадилар:

гайру машруъ ерлардан бирига сарф қилса, бу дунёда хор, охирагда аламлик азобга гирифтор бўлишига шубҳа йўқдир". Ҳар қандай замонда ҳам қонун даражасидаги умумийлик андоза, меъёр, жамият тартиб-қоидалари бўлади. Унга беписандлик қилиб ортиқча ҳашам, дабадага берилиш хайрли оқибатларга олиб келмайди.

Имом Аъзам ҳазратлари айтганидек: "Хайр ва эшонда исроф бўлмаганидек, исрофда ҳам ҳеч қандай хайр йўқдир".

Агар инсон ҳар бир хатти-ҳаракатида меъёрни сақлай билса, бу унга зийнат бағишлаши, меъёрни бил-

Ҳангома

"Телеминиатюралар театри"нинг бадий раҳбари Эргаш Каримов (охираглари обод бўлсин) жума кунини ошдан кетаётгани, кўл ортадагиларга:

– Эртага биринчи апрель – касб байрамимиз, тагин бировларга алданиб, шарманда бўлиб юрмаларинг! – деб кулиб қўйди.

– Ҳаракат қилмайди, деб сирли жилмайди, ҳар қадамда қутилмаган шумликларни ўйлаб юрадиган Саид Анвар.

– Сенга-ку, бу байрамнинг алоқаси йўқ, сен учун ҳар кун – биринчи апрель, одамларни лажиллатиш бўйича ж-а-а плани ошириб бажаргансан, – деди Эргаш ака қора папкасига қорсоворди газеталарни жойлар экан. – Сенга алданиб юриб, Исомхон ҳам кетворди.

Эргаш ака "Исомхон ҳам кетворди" деганида "Табасум"да кўй йил муҳаррир бўлган аjoyиб инсон – Исом Зокорини назарда тутган эди. Дарҳақиқат, ёш боладай беғубор, бировни умрида алдамаган Исом ака Саиджоннинг шумликларига иккинчи йил ишонарди. Хуллас, бу икковлон – бири алданган, иккинчиси – алданшдан чарчамас, улар учун Эргаш ака айтганидай, ҳар кун биринчи апрель эди.

Ўша кун Эргаш Каримов Саидга шундай деб, кулнинг тагидаги чўғни очиб кетган эканлар. Ҳангоманинг қизиги эртасига, биринчи апрель кун рўй берди. Ўша, шанба кун каттиқ жала ёғаётган эди.

– Эрталаб соат ўнларда Эргаш аканинг телефони жингиллади. Устоз гўшаки кўтарса, нотаниш овоз: "Эргаш ака, бугун биринчи апрель – кулги кун, касб байрамингиз билан табрик-

лайман!" деди. – Раҳмат, ким билан гаплашман? – сўради Эргаш ака. – Телевидениедан, масъул навабчиман, – деди овоз. – Раҳбарият ҳам касб байрамингиз билан Роза опа икковларингни табриклагани уйингларга ўтшимоқчи.


– Ие, шунақам?! – деди Эргаш ака шошиб. – Қачон ўтшимоқчи экан? – Соат ўн икки яримга ўтамиз, дейишди, уйда бўласизларми? – сўради овоз. – Уйда бўламыз, албатта



БИРИНЧИ АПРЕЛЬ

бўламыз! – деди Эргаш ака раҳбариятнинг эйтиборидан боши осмонга этиб. – Кутамиз, келаверишимиз! Эргаш ака гўшаки ташлаб, Роза опага дастурхон тузагини тайинлаб, ўзи халта-сумкаларни олиб, бозорга югурди. Жала остида елиб-югуриб, керакли нарсаларни харид қилиб, шалаббо ҳолда ўйга қайтиб, эр-хотин дастурхон тузашиб, тайинланган вақтда меҳмонларнинг келишини кутишди. Соат бир – меҳмонлар келишмасмиш, икки бўлса-да, улардан дарак йўқмиш. Эргаш ака

Рассом хандаси



Ҳар ким ўзинча ов қилади.

Бу – қизиқ

Онанинг кўнгли болада...

20 йил давомида АҚШлик 89000 иштирокчи соғлиги тўғрисида тўпланган маълумотлар шуни кўрсатдики, кун бўйи ишда бўладиган оналарнинг фарзандлари ўзини дилбанди тарбиясига бағишлаган уй бекаларининг болаларидан кўпроқ касалланар экан. Ишлайдиган оналарнинг болалари турли жараҳатлар олиш, овқатдан захарланиш, шамоллаш, астма ва юқумли касалликлардан икки баробар кўп азият чекадилар, тез-тез касалхонада даволанадилар. Тўпланган маълумотларга қараганда,

Билиб қўйган яхши

Кўзёш тўқиш фойдалими?

– Тўйиб йиғлаш кўп касалликларни бартараф этишга ёрдам беради, – деб АҚШ тиббиёт ходимлари ахборот бердилар. Тадиқотларга кўра синов қатнашчиларидан 88,8 фоизининг аҳоли йиғлаб олганидан сўнг яхшиланган.

Лекин жудодлик, умидсизлик, имконсизлик, ҳафсаласизлик гирдобига тушиб қолиш оқибатда дод солиб, қаттиқ бўзлаш кишини кучдан қолдириб, толиқтириб қўяди. Бундай ҳолларда йиғлаш эмас, балки қайғунингизга шерик, ҳамдард бўла оладиган инсон билан юракдан суҳбатлашсангиз ачина энгли тортасиз. Баэзида оддий сўзлар ёрдамида ваэзиятдан чиқиш, муаммонини ҳал қилиш йўлини топиш мумкин. Одамнинг тафтини одам кўтаради дейишадик, ахир.

Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА тайёрлади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳоқимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
233-64-95, 236-55-59, 233-58-85
Бўлим муҳаррирлари ва муҳбирлар:
233-12-83, 233-48-08.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навабчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навабчи Бекзод ҲИДОЯТОВ
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ